

(1891-йил 23-феврал, Наманган уезди Поп волостидаги Исковат кишлоги - 1928-йил 31-декабр, Москва)

Давлат ва жамоат арбоби, дипломат. 1903-1905-йилларда Попдаги, 1906-07-йилларда Кўкондаги рус-тузем мактабида ўқиди. 1909-1917-йилларда Ўш ва Жалолобод шаҳарларида Бозоркўргон ва Кўргонтепадаги приставларда котибларда котиблик ва тилмочлик килди. 1917-йил ноябрида уни Ўш шаҳар думасига аъзо килиб сайлашади. И. Хидиралиев 1919-йилдан турли совет идораларида масъул лавозимларда ишлади: Фаргона вилояти партия кўмитасининг котиби (1920-21), Туркистон АССР Ер ишлари халк комиссари (1922), Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитети (МИК) раиси (1922-24). РСФСР Ер ишлари, федерал комитети Президиуми аъзоси (1923-24). Туркистон АССРнинг РСФСРдаги мухтор вакили (1924-йил январ - ноябр). И. Хидиралиев Туркистон республикаси манфаатларини химоя килиб, болшевикларнинг шовинистик сиёсатига карши курашди. Туркистондаги истиклолчилик харакатига хайрихошлик билан каради. У “ўн саккизлар гуруҳи”нинг ташкилотчиларидан бири эди (1925). Ер ишлари халк комиссари (1925) сифатида И. Хидиралиев Ўзбекистонда ер-сув ислохотини амалга оширишда фаол катнашди. Пахтакор дехконларни иктисодий жихатдан кўллаб-куватлаш, ижтимоий химоя килиш тарафдори бўлган. 1926-йилда у Ўзбекистон кишлок хўжалиги банки правления раиси лавозимида ишлади. И. Хидиралиев Ўзбекистонда ер-сув ислохотини амалга оширишда халк комиссари сифатида фаол катнашди. У болшевиклар томонидан ўтказилаётган “кулоқларни синф сифатида тугатиш” сиёсатига карши чиккан эди. Пахтакор дехконларни иктисодий жихатдан химоя килишда жонбозлик кўрсатди. Бирок мустабид тузумнинг унга ўтказган рухий тазйиклари ва доимий таъкиб остига олишлари таъсир килмасдан колмади. И. Хидиралиев 1928-йил Москвадаги “Национал” мехмонхонасида ўз жонига суикасд килди. Москванинг Ваганково кабристонида дафн этилган. И. Хидиралиев вафотидан кейин, 1937-йилдаги оммавий репрессия даврида “халк душмани” сифатида кораланган эди. Андижондаги кўча, Кўргонтепа туманидаги мактабга И. Хидиралиев номи берилган.